

O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси



# O'ZBEK TILI VA ADABIYOTI

---

# ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

6 / 2020

## МУНДАРИЖА

### Тилишунослик

Б.Одилов. Тил ва этнос.....	3
А.Бердиалиев, И.Эрматов. Парадигматик ва синтагматик муносабатларнинг ўзбек лисоний тизимига ҳос хусусиятлари ҳақида.....	10

### Адабиётшунослик

А.Абдуқодиров. Алишер Навоий ва Камол Хўжаидий.....	19
Ш.Аҳмедова. Асқал Мухторнинг адабий-танқидий қарашлари.....	24
Х.Ҳамроқулова. Улутбек Ҳамдам ижодида шахс талқини.....	29

### Илмий ахборот

А.Ўразбоев. Комил девони кўлэмасининг мухтасар мундарижаси.....	35
Т.Хўжаев. "Ҳамса"даги айрим ишоравий байтлар хусусида.....	39
Б.Умурзоков. Али Сафийнинг бадий маҳорати.....	43
Г.Сатторова. Ҳозирги ҳикояларда аёл руҳияти талқини.....	48
М.Отажонов. Бадий мифологизмнинг семантик кўлами.....	53
Ф.Олим. Навоий ижодида Жомий сиймоси.....	58
М.Маматкулов. Сайёдийнинг "Тоҳир ва Зухро" достони.....	63
С.Ҳамдамова. Нодира газалларида халқона оҳанглар.....	67
Л.Ахророва. "Отамдан қолган далалар" романида ҳаётий ҳақиқат ва бадий талқин.....	71
Ф.Бурхонова. Аҳмад Аъзам ҳикояларида давр руҳи ва маънавий олам талқини.....	75
М.Ўразбоева. Жаҳон адабиётшунослигида аёл образининг ўрганилиши.....	79
Б.Шукурова. Ҳикояда қаҳрамон руҳияти тасвири.....	83
Ф.Бафоев. Халқ мақолларида образлилик.....	88
М.Ёдгорова. "Олтин зангламас"нинг кўлэмза ва нашрлари.....	91
А.Алламбергенов. "Ибн Сино" романида тарихий шахслар талқини.....	93
Ю.Каримова. "Қудратли тўлқин" романида характер тадрижи талқини.....	97
Х.Жабборов, С.Кенжаева. Мотивация ва мотивлаш терминлари хусусида.....	101
Э.Жумаев. -(и)бди шаклининг маъно хусусиятлари.....	105
А.Ҳасанов. Шевалардаги айрим деҳқончилик терминлари хусусида.....	111
А.Ҳамидов. Кенг истеъмол сўзларининг кўпмаънолилиги.....	115
М.Алиева. Миллий газлама дизайнерлиги терминлари.....	118
А.Сабинова. Газета матнларида нутқий акт турларининг ифодаланиши.....	122
Г.Сапарбаева. Оғзаки мулоқот матни хусусиятлари.....	125
Н.Ҳа. Дипломатик дискурсада "чегара" лексемаси.....	129
А.Саидноманов. Ўзбек тили тиббиёт терминологиясида ўз ва ўзлашган бирликлар.....	133
А.Ахроров. Мақолларда сўзлаш одоби талқини.....	138
Г.Соатова. Ўзбекистонда Урхун-Энасой ёдгорликлари тадқиқи.....	140

### Фанимиз заҳматкашлари

Б.Назаров, Қ.Қаҳрамонов, Л.Шарипова. Самарали умр.....	143
Ҳ.Ҳомидий. Дастхатлар сеҳрини туйиб.....	145

### Илмий ҳаёт

Абдусалом Абдуқодиров.....	148
----------------------------	-----



мулоҳазалар назаримизда, бирор-бир шеърни хато ёки кўзак тахлил қилган мақолани ўқиганда пайдо бўлгандир. Чунки А.Мухторнинг ўзи Зулфия шеърларини шу қадар гўзал тахлил қилганини кўрадик, ёинки, Р.Парфи шеърларини ноҳақ танқидлардан чуқур ва ҳаққоний тахлил қилиш орқали ҳимоя қилгани ҳам маълум. Шунинг учун адибнинг ўзи асардаги фикрларини баъзан "тоғдан", баъзан "боғдан" деб изоҳлагани бежиз эмас.

3. Ижодкорлар: ёзувчи ва шоирлар ҳақида: Адибнинг ёзувчилик ва ёзувчи ҳақидаги мулоҳазалари ҳам ҳаётий тажрибадан, кўп йиллик кузатишлардан тутилгани кўриниб туради. Масалан, "Ёзувчи саёз жойда чўқади"; "Ёзувчи ёлғонни тўқийди-ю, ҳақиқатни ёзади"; "Шоир бўлиш яхши, шоирлик даъво қилиш ёмон"; "Шоир учун асосий иш – кўнгил кўзи билан кўриш; қоғозга тушириш эса – қасб".

Бундан ташқари, адиб ҳаёт ҳақидаги мулоҳазаларини, инсонларнинг хусусиятлари, фазилату камчиликлари ҳақида ҳам қалбадаги ўз мулоҳазаларини биринчи дафтарга киритган.

Иккинчи дафтар эса биринчи дафтардан фарқ қилади, унда адиб кўпроқ адабиётнинг назарий масалаларига тўхталади. Бадиий адабиёт, мумтоз адабиётнинг ўлмаслиги, унинг адабий жараёнда тутган ўрни тўғрисида фикр юритади. Айниқса, адиб таржиманинг ўзига ҳослиги ва бугунги таржимашунослик ҳақида куйиниб гапиради: "Таржима, айниқса, шеърятда шартли нарса. Чунки шеърнинг ўзини ўгириш мумкин-у, миллий жанрни, шеърни қабул қилиш тарзини, анъаналарини, шеърга қарашни... яна кўп нарсаларни таржима қилиш, ҳатто тушунтириш ҳам амримаҳол". Ёзувчи яна кейинги етти-саккиз йилдан бери бирорта асар ҳам ўзбекчадан русчага таржима қилинмаганини куйиниб ёзади. Ўзбек асарларини рус тилига ўгириш улуғ Пётр давридан бошлангани, унинг тарихи ҳақида аниқ рақамлар келтириб, "маданиятнинг шундай анъанавий ва микёсли бир соҳаси йўқолиб" кетишидан афсусланади.

А.Мухторнинг "Тундалиқлар"ни ўқир экансиз, унинг билим доираси ниҳоятда кенглиги, тафаккурининг кучи, мушоҳада қобилиятининг ўткирлигига тан бермай иложингиз йўқ. Асарнинг иккинчи дафтарида бу хусусият яққол кўринади. Сукрот, Форобий, Томас Мур, Кампанелла, Бэкон, Кабек, Флобер, Бах, Чайковскийдан тортиб, жаҳон адабиётининг буюк сўз санъаткорлари, уларнинг асарлари ҳақида мулоҳазалар учрайди. "Ҳақиқат, эзгулик, гўзаллик" деган "учлик"ни Робиндранат Тагор Кантдан олган дейдилар. У – хато. Бу "учлик" асли қадимий ҳинд адабиётига ҳосдир. Шеърини сўз ва умуман, санъатдан завқ олиш илохий ҳис экани, инсондаги тасаввур азалий муқаддас ҳодиса экани Санскрит эстетикасининг асоси бўлган<sup>8</sup>. Бу фикрни айтиш учун қадимги ҳинд адабиётидан хабардор бўлиш зарурлиги кўринади. А.Мухтор эса, нафақат ҳинд адабиёти, балки жаҳон адабиётидан чуқур бохабар бўлган файласуф шоир ва адиб, донишманд мунаққид, адабий жараённинг сергак кузатувчиси, ўз соҳасининг билимдони, ўз Ватани тарихи, мумтоз адабиётини яхши билган ижодкор сифатида кўринади.

<sup>8</sup> Мухтор А. Эл-юрт керак экан одамга. – Тошкент, 2011, 188-бет.

М.Шолохов, В.Маяковский, Г.Гулом, Н.Тихонов, Зулфия, П.Нерува  
сўз санъаткорлари ҳақида шогирдлик эҳтиромни ифодалаган.

Китобдан портрет-мақолалар ҳам ўрин олган. Масалан, Зулфия  
Голетой ҳақидаги «Инсон руҳининг улугворлиги» деган мақола  
мақоласида, энг аввало, улкан адибнинг Шарқ халқлари ва маданияти  
бўлган муносабатини ёритишга катта эътибор беради. «Голетой  
буржуа цивилизацияси «буза олмаган» Шарқ халқлари ўзларининг  
ахлоқий ақидаларини сақлаб қолганлар, – деган фикрда эди. Шунинг  
зам у Шарқни мустамлакачилар «маданият»идан сақлашга ҳур  
даъват қиларди. Унинг Шарқ маданиятининг атоқли арбоблари  
ёнишмалари ҳам, «Бир хиндга хат», «Бир хитойга хат» деган  
мақтублари ҳам шунини кўрсатадики, адолат кутиб толиққан  
халқларнинг орзу-армонлари буюк адиб кўнглини хамиша бағра  
турган»<sup>1</sup>.

Файласуф адиб умрининг охириги йилларида бемор бўлиб  
карамай, тинмай ижод қилди. «Тундаликлар»нинг бошида асар  
изоҳ берар экан, бу ҳақда унинг ўзи шундай ёзади: «Кейинги  
кексалик, хасталик сабаб – жуда камуйқу бўлиб қолдим. Уйқу  
бош-кети йўқ, узун-юлуқ ўй-хаёл қалашиб келавераркан. Шунда  
остида турган дафтарга баъзи тасодифий фикрларни ёзиб қўйиб  
бўлдим. Дафтаримни «Тундаликлар» деб атадим. Бу «жанр»  
«хундалик»дан фарқи шуки, унда хронологик тартибдаги фикр  
бўлмайди»<sup>2</sup>.

«Тундаликлар»нинг тузилиши ҳам ўзига хос: икки дафтар  
иборат. Биринчи дафтардаги мулоҳазаларни қуйидаги йўналишда  
бўлиш мумкин:

1. Адабиёт ҳақида. А.Мухторнинг адабиёт ҳақидаги фикрлари  
бугунги ўқувчилар ўқиса ҳам унга ихлос қўйишга, уни севишга ўргатади.  
Масалан, «Адабиёт фан-техника инқилоби даврида ҳам инсон билан  
кўриши керак. Экзюпери мактаган самолётлар ҳозир ҳеч нарсага  
қолди. Лекин Митти Шаҳзодаси ҳали узок яшайди»<sup>3</sup>.

2. Адабий танқид ва танқидчилар ҳақида. Адиб танқидчилар  
вазифаларини жуда яхши тушунади, буни «Бу танқидчи мисли жарроҳ  
аввал жиндек мақтов билан ухлатиб, кейин операция қилади»<sup>4</sup>  
сўзлари орқали кўрсатади.

Баъзан эса ёзувчининг фикрларига қўшилиб бўлмайди. «Бу  
танқидчилар кўрққанимиз учун эмас, кўпинча дадиллигимиз  
уришади».

Баъзан шеърни таҳлил қилиш ҳам адибга ёқмайди: «Шеърни  
қила бошласалар, ғашимга тегаети. Баҳорги соф ҳавонинг  
тарқибини ҳам текшириш мумкин. Аммо, ундан кўра, шундай  
тўлатиб нафас олган яхшироқ эмасми?» (Иккинчи дафтардан)

<sup>1</sup> Мухтор А. Ёш дўстларимга. – Тошкент: Ёш гвардия, 1971, 78-бет.

<sup>2</sup> Мухтор А. Эл-юрт керак экан одамга. – Тошкент, 2011, 172-бет.

<sup>3</sup> Мухтор А. Эл-юрт керак экан одамга. – Тошкент, 2011, 174-бет.

<sup>4</sup> Мухтор А. Эл-юрт керак экан одамга. – Тошкент, 2011, 174-бет.

<sup>5</sup> Мухтор А. Эл-юрт керак экан одамга. – Тошкент, 2011, 193-бет.

мулоҳазалар назар  
қилган мақолани  
Зулфия шеърлари  
Р.Парфи шеърлар  
қилиш орқали хи  
асардаги фикрлар  
бежиз эмас.

3. Ижодко  
ёзувчи ҳақидаги  
қузатишлардан т  
чўқади»; «Ёзувчи  
яхши, шоирлик д  
билан кўриш; ко

Бундан т  
инсонларнинг  
қалбдаги ўз мул

Иккинчи д  
кўпроқ адабиёт  
мумтоз адабиёт  
тўғрисида фикр  
бугунги таржим  
шеърятда шар  
миллий жанрни  
қарашни... яна  
амримахол». Ёз  
хам ўзбекчадан  
асарларини рус  
тарихи ҳақида а  
ва микёсли бир

А.Мухтор  
доираси них  
қобилятининг  
дафтаридан бу х  
Кампанелла. Б  
адабиётининг  
мулоҳазалар  
Робиндранан П  
қадимий хинд  
олиш илоҳий х  
Санскрит эсте  
хинд адабиёт  
нафақат хинд  
файласуф шон  
қузатувчиси,  
адабиётини ях

ахлоқий масалалар тўғрисида баҳс юритар экан, уларни ягона бир концепция бирлаштириб туради. Бу хусусият ушбу масалаларга ҳаёт ва инсоний бурч фалсафасидан келиб чиқиб ёндашиш, улар ҳақида фалсафий ўй-мушоҳадаларга берилиш ва шулар асосида муайян умумлашмаларга келишда ёрқин намоён бўлганини кўрамиз.

А.Мухторнинг китоб мутолааси, китобнинг нақадар зарурлиги ҳақидаги қарашлари ҳам диққатни ўзига тортади: "Китоб яшашга ўргатади. Ёзувчининг мақсади – доим ҳаётнинг, ҳодисанинг моҳиятини топишга интилиш. Китоб яшаш моҳиятини топиб олишга ёрдам беради. Кутубхона – бизнинг маънавий ҳаётимизни лойихалаштирувчи лабораториядир"<sup>2</sup>. Кўрамизки, адибнинг адабий ўйларида тажрибалар синтези, кузатишлар, сабоқлар алоҳида бўй кўрсатиб турибди. Шу билан бирга, умумлашма характердаги илмий-назарий фикрларнинг устуворлиги унинг табиатини белгилаб беришга ёрдам беради.

А.Мухторнинг адабий-танқидий ҳамда эстетик қарашлари эсседа акс этса-да, уларга илмий-эстетик бутунлик бахш этувчи нарса бу санъаткор "мен"и призмасидан ўтказилган ва эстетик баҳоланган воқелик, ҳаёт ҳодисалари, адабий жараён ҳамда адабий ҳодисаларнинг муайян тарздаги моҳиятининг инъикоси бўлиб, у аввало, санъаткорнинг катъий нуктаи назари, эстетик баҳоси орқали англашилади. Адиб эсселари – адабий ўйлари, мақолалари ўзининг ташқи экспрессив жиҳатлари билангина эмас, ички, ғоявий мундарижасининг бойлиги билан ҳам эътиборни тортади. Танқидчи доимо бир хилликдан, жуда кўпчиликнинг кўнглига теккан, зериктирувчи, баёнчиликдан қочади. Мана шу хусусият А.Мухтор танқидчилигининг бошқалардан фарқ қилувчи энг муҳим фазилатларидан биридир. У асосий диққат-эътиборини, ўқиган асарининг ҳосиласи сифатида туғилган ўй-кечинмаларини, коникиш ёки коникмасликларини, уларнинг сабаб ва омиллари хиссиёт билан тасвирлашга (айтиш ёки баён қилиш эмас) қаратади.

Кўринадики, ёзувчининг адабий-танқидий мулоҳазалари кўпинча, эссе жанри хусусиятларидан келиб чиқиб, адабий ўйлар асосига қурилади. Унда фақат ижод эмас, ҳаёт ва ижод тажрибасидан келиб чиққан ҳулосалар, қарашлар, кузатишлар акс этади. Бу ҳол адабий танқиднинг ранг-баранглашувига сезиларли таъсир кўрсатди. Адабий-танқидий ва эстетик тафаккур ҳосилалари ўқувчилар аудиториясини кенгайтди. Бу туркумдаги асарларда санъаткорнинг ўз ижоди, шахсияти, табиати хусусидаги, шунингдек, бадиий адабиёт, адабий жараён, миллий маданиятимиз хазинасини ижодий бойитган асарларнинг туғилиши, ёзилиш жараёнига доир фикр-мулоҳазалари кенг ўрин олган. Бундай эсселар санъаткорларнинг ижоди, шахсияти, табиати, асарларининг ёзилиш жараёнига алоқадор ноёб маълумотлар, фикр-мулоҳазалар ифодаланиши билан қимматлидир.

А.Мухтор устозлар ижодидан кўнглига ёққан тажрибаларни, ижод сабоқларини, ўзининг ижодий изланишлари жараёнида йиғилган маънавий, ижодий жамғармани "Устозлар ҳақида"ги туркум эсселарда замондошлари, шогирдлари билан бўлишади. Уларда Л.Толстой,

<sup>2</sup> Мухтор А. Ёш дўстларимга. – Тошкент: Ёш гвардия, 1971, 8-бет.

...адабиднинг ижодий тазоиблари, адабиётга, сўзга муносабати, эстетик қарашлари, ахлоқий меърилари, бир сўз билан айтганда, адабиднинг қарашларини ўзининг муҳим аҳамият касб этган. Чунки «Адабиднинг адабиёт ҳоҳиятини тереки англаган ва адабиёт ҳуусида фикр қилиши мумкин бўлган жуда кам сонли адиблар сирасига кириди... Адабиднинг илҳомда бўлишдан, ҳаёла ва ҳофиза уфқи мисолига, илҳом ва тафаккур борлигининг маъмуни бўлган улуг санъаткор эди»<sup>1</sup>.

А.Мухтор бадний ижод билан шуғулланиб, ўз истеъдодини жанрлар билан биргаликда адабий танқид жанрларида ёрқин қилган. Эро, тақризлар, адабий мақолалар, суҳбатлар, турмуш анжуман ва учрашувларидаги нукталар, маърузалар унинг бутун оламнинг, унинг ижодий концепцияси ва принципларининг қонуниятлари, ижодкорнинг жамиятдаги ўрни ҳуусидаги қарашларини ойдинлаштиришида муҳим роль ўйнайди.

Агар XX асрнинг 60-йилларгача адабий танқидчилик, асосан, тақриз ва тақризлар кўринишида бўлган бўлса, 60-йиллардан бошлаб илҳом барангланганлигида, адабий портретлар, муаммоли мақолалар, тараккиётнинг умумлаштирувчи йирик тадқиқотлар кўплаб кўрсатиш бўлишида ёзувчи-танқидчи улуши ҳам муҳим эҳсонига А.Мухтор адабий танқидчилик фаолияти мисолида ҳам яна бир бор ишонч қилиш мумкин.

А.Мухтор XX асрнинг 60-70-йилларида марказий жумҳуриятларда кўплаб адабий-танқидий мақолалар эълон қилди. Унинг китобдан иборат “Ёш дўстларимга” деб номланган адабий ўйлар китобида. Адабий-танқидий китоблар, журнал ҳамда газета саҳифаларида эълон этилган мақола ва суҳбатларда у, энг аввало, зукко ва адабиётшунос олим сифатида кўз олдидида намоён бўлади. Адабий-танқидий мақолалар, суҳбатлар, эсселарда адиб адабий-танқидчиликнинг кенглиги яққол кўзга ташланади.

А.Мухторнинг адабий ўйларида фикрий терекиликни таъминлаш асосий омил адибнинг ҳаёт ва воқеликка, одамларнинг қалбига таъсир қилган фалсафий нукта назардан ёндашувидир. Адиб адабий ўйларида маънавий-ахлоқий, илмий-назарий ҳулосаларга келади. Эркин, ҳеч қандай таъйинсиз, мажбуриятсиз мушоҳада юритиш, мулоҳазаларни фикрлашиш маданиятининг юқорилиги эссеннинг асосий ҳуусидаги биридир. Шунинг учун ҳам у эссени “эркинлик жанри” деб атаган эди.

“Ёш дўстларимга” китоби уч фаслдан ташкил топган “Хикматлари” фаслида донишманд адибнинг ҳаёт ва адабиёт қарашлари, табиат гўзаллиги, оила, мангуликка дахлдорлик борлиги юритилади. Маълумки, эсседа китобхон асарлардан кўра ёзувчи билан кўпроқ очиқ-ойдин фикрлашиш имкониятига эга бўлади. “Умр хикматлари” эссесиде хилма-хил ҳаётий, адабий-бадний, ахлоқий

<sup>1</sup> Султонов Х. Маънавий бедорлик // Мухтор А. Э-муҳтор оламга. – Тошкент, 2011, 200-бет.

ахлоқий меърилар сўз қилиниши бирлаштириш имконий бурч фалсафаси бўлиши мумкин бўлган бир қатор келинган ёрқин намоён

А.Мухторнинг кўрсатиш қарашлари ургатади. Ёзувчининг қонини интилиш. Қўруқ Кутубхона – билим лабораториядир”<sup>2</sup>. Қўруқ синтези, кузатишлар, бирга, умумлашма ҳаётнинг табиатини белги

А.Мухторнинг айтишича, уларга илҳом “мен” ва призмасидан ҳодисалари, адабий ҳоҳиятининг инъикоси назари, эстетик баҳо ўйлари, мақолаларнинг ички, гоёвий муносабатлар. Танқидчи доимо баҳолаш кериштирувчи, баҳолаш танқидчилигининг биридир. У асосий сифатида тутилган уларнинг сабаб ва баён қилиш эмас) к

Кўринадикки, ёзувчи жанри ҳуусидаги ўйларда фақат ижод ҳулосалар, қарашларанг-баранглашувчи эстетик тафаккур туркумдаги асарлар ҳуусидаги, шунинг маданиятимиз ҳаётига ёзилиш жараёнига эсселар санъаткор ёзилиш жараёнига ифодаланиши бил

А.Мухторнинг сабоқларини, ўзининг маънавий, ижодий замондошлари,

<sup>2</sup> Мухтор

комилликка эришишдир. Бу даражага етган ошиқ маъшук васли хузурини туйди. Ҳақиқий ишқдан кўзланган мақсад ҳам шу эди. Навоий лирик қахрамони «фано доғи»да куйдириб, унинг ўзлигига барҳам берган маъшукдан шу жиҳатдан мамнун эди. Бу эса, Навоий татаббусидаги ишқ тасвири ва ошиқ интилиши муайян эзгу мақсадга йўналтирилганини кўрсатади.

Иккала ғазал ҳам маҳорат билан яратилган. Шайх Камол ғазалининг биринчи байтида таносиб (дили, доғи; маро монда), иккинчи байтда тазод (сўхти, насўхти), учинчи байтда такрир (сўхт, сўхтан), бешинчи байтда таносиб (дилу жон), олтинчи байтда нидо (Камол) санъатлари қўлланган. Навоий татаббусининг биринчи байтида таксир (хаста, хас), иккинчи, тўртинчи, бешинчи, еттинчи байтларда таносиб (лабу холхоят ба рў; чашму рўят; дард, даво; оташ, сўхт), саккизинчи байтда такрир (жудо, жудон), истифҳом (сўраш, савол бериш), тўққизинчи байтда иштиқок (Фоний, фано), қайтарик (аз, аз) санъатларидан истифода этилган.

Алишер Навоийнинг бир туркум тожикча ғазаллари борки, улар Шайх Камол услубида ёзилган. Навоий уларга «Дар таври Шайх Камол» («Шайх Камол услубида»), «Дар таври Хожа Камол» («Хожа Камол тарзида») деб сарлавҳа кўйиб ёзган. Улуғ шоирнинг «Шуд» («Бўлди») ва «Бувад ҳамчун» («Шундай бўлади») ғазаллари шулар жумласидандир. Навоийнинг «Бувад ҳамчун» ғазали Шайх Камолнинг «Эй зангиёни зулфи туро шоҳи Чин гулом» ҳамда «Рўзи нишот асту айш, бода биёреду жом» мисралари билан бошланувчи ғазалларига шаклан ва мазмунан яқин туради. Уларни ҳам Шайх Камолга Навоийнинг татаббулари дейиш мумкин. Чунки уларда Навоийнинг Шайх Камолга издошлик қилганлиги яққол кўзга ташланади. Воқеан, Навоий ғазал вазни, байтлар сони, кофиялаш тартибини ифодалашда; сўфиёна ишқ талқини, ошиқнинг маъшуқига муносабатини тасвирлашда; зулф, май, пири дайр сингари тасаввуфий образларни қўллашда Шайх Камолга издошлик қилиб, ўз татаббусини маҳорат билан устози услубида яратган. Бу эса, Навоийнинг Шайх Камол ғазалларига фақат татаббулар ёзибгина қолмай, шунингдек, устози услубини тўла эгаллаб, уни ўз ижодида фаол қўллаганини ҳам кўрсатади.

**РЕЗЮМЕ.** Мақолада Алишер Навоийнинг Камол Хўжандийга муносабати ва ғазалларига боғлаган татаббулари таҳлил қилиниб, икки улуғ шоир шеърлятидаги ўзига хосликлар ва уларнинг бадий маҳорати кўрсатиб берилган.

**РЕЗЮМЕ.** В статье проанализированы отношение Алишера Навои к Камолу Худжанди и его татаббу к газелям поэта, указаны специфические особенности творчества двух поэтов и их поэтическое мастерство.

**RESUME.** In the article analyzes the traditions of Kamola Khujandi in the work of Alisher Navoi based on a comparison of the works of these two great poets.

**Таянч сўз ва иборалар:** татаббу, анъана, янгилик, маҳорат, девон, образ, байт.

**Ключевые слова и выражения:** татаббу, традиция, новаторство, мастерство, диван, образ, байт.

**Key words and word expressions:** tatabbu, tradition, innovation, skill, divan, reflection, beyt.

**Шоира АХМЕДОВА**

## АСҚАД МУХТОРНИНГ АДАБИЙ-ТАНҚИДИЙ ҚАРАШЛАРИ

Асқад Мухторнинг адабий-танқидий мероси ҳам эътиборлидир. Бадий матннинг мазмун-моҳияти ва ижодкор феноменини англашда